

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ
КИМЁ – МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
«ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕДЖМЕНТ»
КАФЕДРАСИ**

Фан: Тармоқ иқтисодиёти



**МАВЗУ: ТАРМОҚ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА
БАШОРАТ ҚИЛИШ.**

**Бажарди: 3-07 Иқт гуруҳ талабаси
Файзуллаева К.
Қабул қилди: Атамурадов Ш. А.**

Навоий 2011й.

МУНДАРИЖА:

1. Тармоқларда режалаштириш ва башорат қилиш _____ 2
2. Режалаштириш технологияси ва тармоқ режалари тузилмаси _____ 3
3. Тармоқда режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари _____ 4
4. Кроссворд _____ 9
5. Тест _____ 12
6. Амалий масала _____ 14
7. Назорат саволлар _____ 16
8. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____ 17

Мавзу: ТАРМОҚ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ

Режалаштириш тартибга солувчи жараён сифатида тармоқ фаолиятини яқин ва узоқ истикбол сари илгари суриш, асослаб бериш, муайянлаштириш ва изоҳлаб беришни ифодалайди.

Башорат қилиши режалаштиришнинг бошланиши ва узоқ муддатли истикболга мўлжалланган давоми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Режалаштириш ва прогнозлаштириш ўзаро алоқада бўлган иккита жараён бўлиб, хўжалик фаолиятини аввалдан бажарилган ҳисоб-китоблар, энг кам таваккалчилик ва энг юқори натижаларга эришиш асосида юритишни кўзда тутди. Башорат қилиш хўжалик фаолияти юритувчи субъектнинг истикболда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни илмий асослаган ҳолда аввалдан кўра билишини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш ва тармоқ иқтисодий ҳаётининг бошқа жиҳатларини ***стратегик режалаштириш*** - ўрта ва узоқ муддатли башоратлар асосида ҳамда ***жорий режалаштириш*** - қисқа муддатли башоратлар асосида ишлаб чиқилади.

Режалаштириш услубияти – бу иқтисодиётни бошқаришнинг турли бўғинларида, жумладан, тармоқларни бошқаришда режаларни ишлаб чиқиш усуллари мажмуасидир. Режалаштиришнинг ***асосий вазифалари*** куйидагилар:

- * мақсадни белгилаш;
- * тармоқ фаолиятининг турли хил йўналишлари, айниқса, халқ хўжалиги ва аҳоли учун зарур бўлган масулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш;
- * зарурий моддий-техника асоссини шакллантириш;
- * молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
- * якуний натижаларнинг ижобий бўлишига эришиш.

Мазмунига кўра, режалаштириш техник-иқтисодий ва тезкор-ишлаб чиқариш турларига бўлинади.

Техник-иқтисодий режалаштириш тармоқ фаолиятининг барча (иқтисодий, техник, ижтимоий ва ҳоказо) жиҳатларини камраб олувчи режалаштириш тури бўлиб, асосан бир йилга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси шаклида амалга оширилади.

Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш техник-иқтисодий режалаштиришнинг давоми бўлиб, тармоқ фаолияти йиллик режасини янада қисқароқ муддатга - сутка, ўн кунлик, ойга бўлиб муайянлаштириш билан тавсифланади. Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш-календарь режалаштириш ва диспетчерлашдан иборат бўлади.

Календарь режалаштиришда тармоқ йиллик режасида ва биринчи ўринда ишлаб чиқариш дастури(маҳсулот тайёрлаш режаси)ни ўн кунлик, ҳафта, кун ва смена бўйича аниқлаштириш ҳамда бу кўрсаткичларни бажарувчиларга етказиш кўзда тутилган.

Диспетчерлаштириш ойлик, ўн кунлик, кунлик сутка-сменалик режаларни бажаришни тезкор бошқаришда ифодаланади.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётга оид бўлган адабиётларда режалаштиришга нисбатан ***стратегик, узоқ муддатли, қисқа муддатли ва жорий режалаштириш*** каби тушунчалар қўлланмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз шакли, кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш усулларига эга.

Режалаштириш тармокни бошқариш жараёни сифатида ўз технологиясига эга бўлиб, бу технология тармокнинг режалаштирилаётган даврдаги мақсад ва вазифаларини аниқлаш, бажарувчиларга муайян вазифаларни белгилаш, вазифаларни тури, катталиги ва муддатига кўра, аниқлаштириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти натижаси - даромад ёки фойда олишни ўз ичига олади. Кичик тармокларда бу вазифаларни бажариш катта тармокларга нисбатан енгилроқ бўлсада, барча ҳолларда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш талаб қилинади:

- * ишлаб чиқариш қувватининг мавжудлиги ва тузилмаси;
- * ходимлар сони, ихтисос таркиби ва малакаси;
- * молиявий ресурслар;
- * айланма маблағлар мавжудлиги ва унга бўлган эҳтиёжлар, жумладан, моддий-товар бойликлари заҳиралари;
- * илмий-техник тадқиқотлар тузилмаси ва тайёрлик даражаси;
- * маҳсулотни сотиш каналлари.

Режалаштириш, режа лойиҳасини унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаси, моддий-техника таъминоти режаси, кадрлар ва ойлик маош бўйича режа, янги техника ва капитал қўйилмалар режаси, молиявий режа каби асосий қисмлари доирасида тайёрлаш билан боғлиқ бўлган **режадан аввалги даврни** ўз ичига олади. Уларнинг моддий ва молиявий ресурслар ҳамда бажариш муддати бўйича тўлиқ ўзаро боғлиқлиги ва баланслашганлиги режалаштириш жараёни ва тармок режасининг ишончлилигини таъминловчи муҳим жиҳатдир. Ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқариш ишчи кучининг мавжудлиги, шартномалар бўйича маҳсулот етказиш режалари ва ишлаб чиқариш қувватлари билан, таннарх режалари эса ишлаб чиқариш дастурлари ва молиявий режа билан боғлиқ бўлади.

Режаларни ишлаб чиқишда тармокнинг барча цехлари ва функционал бўлинмалари, жумладан, молия ва режа бўлими, меҳнат ва иш ҳақи бўлими, маркетинг хизмати, бухгалтерия, техник бўлим, цех раҳбарлари иштирок этишлари зарур. Тармок режаси ва унинг бўлимлари қанчалик синчковлик билан ишлаб чиқилган бўлса, уни бажариш шунчалик енгиллашади, ресурслар камроқ талаб қилинади ҳамда иш сифати юқори даражада бўлади.

Режалаштиришнинг энг кўп тарқалган усуллари қаторига қуйидагиларни: баланс, норматив, иқтисодий-математик, статистик, омиллар бўйича, кўп вариантли ҳисоб-китоб усули кабиларни киритиш мумкин. Режаларнинг асосланганлик даражасини оширувчи ва уларни тезда амалга оширилишига хизмат қилувчи, шунингдек, таваккалчилик ва вужудга келиши мумкин бўлган талофатларни камайтирувчи усул энг самарали усул ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда **баланс усули**нинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ушбу усулнинг моҳияти, ўзаро алоқада бўлган кўрсаткичларни солиштириш билан ифодаланади. Баланс усули асосида тармокнинг ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, ишлаб чиқариш қувватига бўлган талаблари ва уларнинг манбалари аниқланади. Бундан келиб чиққан ҳолда **моддий баланс, ишлаб чиқариш қувватлари баланси, ишчи кучи баланси, иш вақти баланси, қиймат балансини** ажратиб кўрсатиш мумкин. Баланслар, қоидага кўра, эҳтиёжлар ва уларга мос келувчи ресурсларнинг

мавжудлиги ёки манбаларини ўз ичига олувчи, ўзаро мослашувчи жадвал шаклида тузилади.

Баланс усули **норматив усули** билан биргаликда қўлланади. Норматив усулида ресурсларни сарфлашнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори ва энг қуйи чегаралари аниқланади. Бунда ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этишда норма ва норматив каби тушунчалардан фойдаланилади.

Норма (меъёр) – бу, белгиланган сифатдаги маҳсулот бирлиги (иш, хизмат) тайёрлаш учун сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ёки минимал чегарасидир. Агар ресурслардан фойдаланиш нормаларини камайтириш маҳсулот сифатининг пасайишига ёки белгиланган стандартлар талабларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, у ҳолда бу нормаларни камайтириш мумкин эмас.

Норматив – бу, нисбий катталиқ бўлиб, асосан фоизлар ёки коэффициентлар ёрдамида акс эттирилади. У меҳнат воситалари ва предметларидан фойдаланиш даражасини, уларнинг ҳар бир майдон бирлиги, оғирлик бирлиги, ҳажм бирлигига сарфланишини тавсифлаб беради. Масалан, асосий фондларнинг бирлик қийматиға маҳсулот ишлаб чиқариш (фонд қайтими), сутнинг мойилиқ, винонинг спиртлиқ даражаси (фоизларда), автомашинанинг босиб ўтган йўли, автомобиль шинасининг эксплуатацияси ва ҳоказо.


Норма ва нормативлар қуйидаги асосий гуруҳлар асосида ишлаб чиқилади:

- * **тирик меҳнат харажати нормалари** (маҳсулот бирилигига сарфланувчи иш вақти нормаси, вақт бирилигида ишлаб чиқариш нормаси, хизмат кўрсатиш нормаси, миқдор нормативи);
- * **моддий харажат нормалари** (хом ашё, материал, ёқилғи, энергия, бутловчи қисмлар);
- * **ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш нормативлари** (ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш захиралари ва ҳоказо);
- * **меҳнат воситаларидан фойдаланиш нормалари** (машиналар, асбоб-ускуналар, механизмлар, қурилмалар);
- * **тармок, цех, асбоб-ускуналарнинг лойиҳа қувватиға чиқиш вақти нормалари.**


Кўриниб турибдики, режалаштириш жуда мураккаб ва меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, тармок фаолиятининг ресурслар харажатини нормалаштиришдан то маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишгача барча кўрсаткичларини инобатга олади. Режалаштиришнинг **асосий вазифалари** қуйидагилар:

- * мақсадни белгилаш;
- * тармок фаолиятининг турли хил йўналишлари, айниқса, халқ хўжалиги ва аҳоли учун зарур бўлган масулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш;
- * зарурий моддий-техника асосини шакллантириш;
- * молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
- * якуний натижаларнинг ижобий бўлишиға эришиш.


1. Тармоқ фаолиятида режалаштиришнинг энг кўп тарқалган усуллари.



2. Тармоқ фаолиятида режалаштиришнинг мазмунига кўра турлари.




3. Тармоқ фаолиятида режалаштиришнинг асосий вазифалари.






4. Тармоқ фаолиятида режалаштиришнинг муҳим тамойиллари:



Кроссворд.



Саволлар.

1. Тартибга солувчи жараён сифатида тармок фаолиятини яқин ва узок истиқбол сари илгари суриш, асослаб бериш, муайянлаштириш ва изоҳлаб беришни ифодаладиган атама.
2. Тармок, объект ёки ҳодисанинг келажакдаги аҳволи ва уларни амалга ошириш вариантлари ва муддати тўғрисидаги илмий жиҳатдан асосланган мулоҳаза.
3. Ўзаро алоқада бўлган кўрсаткичларни солиштириш билан ифодаланадиган усул.
4. Бу нисбий катталиқ бўлиб, асосан фоизлар ёки коэффициентлар ёрдамида акс эттирилади.
5. Белгиланган сифатдаги маҳсулот бирлиги тайёрлаш учун сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ёки минимал чегарасини ифодаловчи сўз.
6. Хўжалиқ юритишнинг бозор тизимидагина вужудга келиб, 10-15 йиллик даврни ўз ичига оладиган режалаштириш тури.
7. Режалаштиришнинг тамойилидан бири.
8. Унда чоракларга бўлинган йиллик режалар асос қилиб олинадиган режалаштириш тури.

Жавоблар.

1. Режалаштириш

2. Башорат

3. Баланс

4. Норматив

5. Норма

6. Стратегик

7. Илмийлик

8. Жорий

ТЕСТ.

1. Тармок фаолиятини яқин ва узоқ истиқбол сари илгари суриш, асослаб бериш, муайянлаштириш ва изоҳлаб беришдаги жараён дейилади.
A. Режалаштириш
B. Башорат килиш
C. Келажагни белгилаш
D. Стратегик режалаштириш
2. хўжалик фаолияти юритувчи субъектнинг истиқболда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни илмий асослаган ҳолда аввалдан кўра билишини ифодалайди.
A. Башорат килиш
B. Келажагни белгилаш
C. Режалаштириш
D. Узоқни кўриш
3. Ўрта ва узоқ муддатли башоратлар асосида ишлаб чиқиладиган йўналиш.
A. Стратегик режалаштириш
B. Жорий режалаштириш
C. Башоратнинг мақсади
D. Индекатив режа
4. Иқтисодиётни бошқаришнинг турли бўғинларида, жумладан, тармоқларни бошқаришда режаларни ишлаб чиқиш усуллари мажмуасини топинг.
A. Режалаштириш услубияти
B. Башоратнинг мақсади
C. Индикатив режа
D. Жорий режалаштир

5. Белгиланган сифатдаги маҳсулот бирлиги тайёрлаш учун сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ёки минимал чегараси нима деб аталади.

- A. **Норма**
- B. Норматив
- C. Баланс усули
- D. Ҳисоб усули

6. Нисбий катталиқ ҳисобланган, асосан фоизлар ёки коэффицентлар ёрдамида акс эттириладиган кўрсаткични аниқланг.

- A. **Норматив**
- B. Баланс усули
- C. Норма
- D. Моддий усул

7. Режалаштириш мазмунига кўра неча гуруҳга бўлинади.

- A. **2**
- B. 3
- C. 4
- D. 5

8. Режалаштиришнинг қайси тури тармок фаолиятининг барча (иқтисодий, техник, ижтимоий ва ҳоказо) жиҳатларини қамраб олувчи режалаштириш тури бўлиб, асосан бир йилга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси шаклида амалга оширилади.

- A. **Техник-иқтисодий режалаштириш**
- B. Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш
- C. Календарь режалаштириш
- D. Илмийлик

9. Режалаштиришнинг қайси турида тармок йиллик режасида ва биринчи ўринда ишлаб чиқариш дастури(маҳсулот тайёрлаш режаси)ни ўн кунлик, ҳафта, кун ва смена бўйича аниқлаштириш ҳамда бу кўрсаткичларни бажарувчиларга етказиш кўзда тутилган.

- A. Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш
- B. Календарь режалаштириш
- C. Техник-иқтисодий режалаштириш
- D. Диспетчерлаш

10. Ойлик, ўн кунлик, кунлик сутка-сменалик режаларни бажаришни тезкор бошқаришда ифодаланадиган кўрсаткични топинг.

- A. Диспетчерлаштириш
- B. Календарлаштириш
- C. Режалаштириш
- D. Техник – иқтисодий режалаштириш

Амалий масала.

Бугунги олинган бир сўм, келгусида оладиган бир сўмдан қиймат жиҳатидан каттадир.

Буни жуда оддий мисолда кўришимиз мумкин. Агар сиз 100 сўм пулни 10% ставка билан банкка қўйсангиз, келгуси йили, сизнинг омонатингиз (уни FV деб белгилймиз):

$$FV_1 = 100 + 100 * 0,1 = 110 \text{ сўмга тенг бўлади.}$$

Агар пулингизни яна бир йил олмайсиз, деб фараз қиладиган бўлсак, иккинчи йилнинг охирига бориб сизнинг омонатингиз:

$$FV_2 = [100(1+0,1)] * (1+0,1) = 100(1+0,1)^2 = 100 * 1,21 = 121 \text{ сўм бўлади.}$$

Жамғармалар кўпайишининг бу модели мураккаб фоизлар модели дейилади ва қуйидагича ёзилиши мумкин (1-формула):

$$FV = PV (I + k)^n$$

Бу ерда: FV (инг. future value) – бугун инвестиция қилинаётган сумманинг келгусидаги, яъни маълум давр ўтгандан сўнгги – инвестор эга бўлиши мумкин бўлган қиймати;

PV (инг. present value) - келажакда даромад олиш учун инвестиция қилинаётган сумманинг жорий (бугунги) қиймати;

к - инвестицияларнинг даромадлилик даражаси. Бизнинг мисолимизда у жамғарма омонатлари бўйича банк фоиз ставкасига, умумий ҳолларда эса бир неча муқобил лойиҳалар бўйича энг юқори бўлган кутилаётган соф фойда меъёрига тенг;

п - инвестициялар ҳаракатда бўлиб даромад келтириб турадиган муддат. Бизнинг мисолимизда омонатларни банкда сақлаш даври (йил, ой, кун). Агар омонатлар бўйича йилига бир марта даромад ҳисобланса, п йилларнинг тартиб рақамини, ҳар ойда ҳисобланса, бир ойлик даврлар тартиб рақамини кўрсатади.

Таянч сўзлар:

Режалаштириш – қарор қабул қилишнинг узлуксиз бир жараёни бўлиб, бу жараён давомида тармоқ фаолияти ва ривожланишининг мақсад ва вазифалари атрофда рўй бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда вақт бўйича аниқланади ва белгиланади ҳамда уларни амалга ошириш учун ресурслар аниқланади.

Башарот – бу, тармоқ, объект ёки ҳодисанинг келажакдаги аҳволи ва уларни амалга ошириш вариантлари ва муддати тўғрисидаги илмий жиҳатдан асосланган мулоҳазадир.

Техник-иқтисодий режалаштириш тармоқ фаолиятининг барча (иқтисодий, техник, ижтимоий ва ҳоказо) жиҳатларини қамраб олувчи режалаштириш тури бўлиб, асосан бир йилга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси шаклида амалга оширилади.

Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш техник-иқтисодий режалаштиришнинг давоми бўлиб, тармоқ фаолияти йиллик режасини янада қисқароқ муддатга - сутка, ўн кунлик, ойга бўлиб муайянлаштириш билан тавсифланади.

Календарь режалаштиришда тармоқ йиллик режасида ва биринчи ўринда ишлаб чиқариш дастури(махсулот тайёрлаш режаси)ни ўн кунлик, ҳафта, кун ва смена бўйича аниқлаштириш ҳамда бу кўрсаткичларни бажарувчиларга етказиш кўзда тутилган.

Диспетчерлаштириш ойлик, ўн кунлик, кунлик сутка-сменалик режаларни бажаришни тезкор бошқаришда ифодаланади.

Стратегик режалаштириш хўжалик юритишнинг бозор тизимидагина вужудга келиб, 10-15 йиллик даврни ўз ичига олади.

Стратегик режалаштириш асосида яқин 3-5 йилга мўлжалланган **узоқ муддатли режалаштириш** амалга оширилади.

Қисқа муддатли режалаштиришда тармок фаолияти ва ривожланиши 1-3 йилга мўлжаллаб режалаштирилади.

Режалаштириш **илмийлик, мослашувчанлик, узлуксизлик, оптималлик** каби тамойилларга асосланади. Ўз мазмунига кўра, режалаштириш техник-иқтисодий ва тезкор-ишлаб чиқариш, режа ҳисоб-китобларини аниқлаштириш даражаси ва муддатига кўра эса, стратегик ва тактик турларга бўлинади.

Назорат саволлари

1. Режа, режалаштириш каби тушунчалар нимани англатади?
2. Бозор ва режа ўзаро қандай келишувга келади?
3. Бозор шароитларида режалаштириш вазифалари ва аҳамияти.
4. Режалаштиришдан талаб қилинувчи асосий талабларни санаб ўтинг.
5. Режалаштиришнинг қайси таркибий элементалри сизга маълум?
6. Режа билан башоратнинг фарқи нимада?
7. Бизнес-режа бўлим ва кўрсаткичларига қисқача тавсиф беринг.
8. Режалаштириш усуллари ва уларнинг моҳияти.
9. “Норма”, “норматив”, “нормалаштириш” тушунчаларининг моҳиятини очиб беринг.
10. Нормалаштиришнинг усул ва тамойиллари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий тармоқлар тўғрисида”ги қонуни. қонун ва қарорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
2. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби тўғрисидаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
3. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.
4. Махмудов Э.Х. Тармок иқтисодиёти: Ўқув.қўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
5. Ақромов Э.А Тармоқларнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.

